

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!



№69 (922)
2025 йил 26 август,
сешанба

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook.com/uzbunyodkor telegram.me/uzbunyodkor instagram.com/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.

Боёвутдаги бугунги бунёдкорликлар

Бехзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун барча ҳудудлар каби Сирдарё вилоятида ҳам бунёдкорлик ишлари қизғин. Хусусан, Боёвут туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги "Ўй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида қўплаб уй-жойлар барпо этилмоқда.



3-бет

Президент фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан бир гуруҳ давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимлари юртимизнинг иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ибратли фаолияти учун давлатимизнинг юксак фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Хидоят Шерзод Саиджанович "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи" фахрий унвони билан мукофотланди.



Давлат мукофотлари билан тақдирланган қурилиш соҳаси вакилларини самимий табриклаб, юртимиз равнақи йўлидаги фаолиятларида куч-қувват, муваффақият тилаймиз.

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Халқимизда қадимдан "Ҳашар – элга ярашар" деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Бу эзгу анъана маҳаллаларимизнинг кўркини очиб, юртдошларимиз кайфиятини кўтаради, қўшничилик ва жамоаларда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди. Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги олдида юртимиз бўйлаб "Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки" шиори остида ўмумхалқ хайрия ҳашари кенг кўламда ўтказилди.



Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик ҳамда унинг тизим ташкилотлари ишчи-ҳодимлари ҳам фаол иштирок этишди. Хусусан, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ, Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти, "Коммунал таъминоти маркази" ДМ, "Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази" ҳодимлари томонидан меваги ва манзарали

дарактлар парваришланиб, бионинг атрофи тозаланди. Шунингдек, ўмумхалқ хайрия ҳашари вилоятларда ҳам қизғин руҳда ўтди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик ҳодимлари ҳам ушбу эзгу ташаббусда фаол иштирок этишди. Улар идора атрофини ободонлаштириш, қўчаларни тозалаш ва аҳоли яшаш ҳудудларида зарур ишларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшди-лар. Самарқанд вилояти Қурилиш

ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси жамоаси ҳам ҳашарда кўтаринки руҳда иштирок этиб, ҳудудларни ободонлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳам хайрия ҳашари жараёнларида фаол қатнашиб, маҳаллаларда тозалаш, қўчат экиш ҳамда турар жой ҳудудларини тартибга келтириш ишларини амалга оширишди.

Бундан ташқари, ҳашарда Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой

коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳамда унинг шаҳар ва туман бўлиmlари ҳодимлари ҳам фаол қатнашиб, янги даракт ва гул қўчатлари ўтказишди. Қолаверса, Хоразм вилоятидаги 531 та маҳалла, ҳамда идора ва ташкилотларда ҳам ўмумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтди. Ушбу ҳашар доирасида маҳаллалар, кўп қаватли уйлар ҳудуди, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қўча ва йўлақлар ҳамда болалар майдончалари ободонлаштирилиб, тозалик ишлари амалга оширилди.

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг қурилиш-синов лабораторияси мутахассислари томонидан Гулистон шаҳар "Бўстон" МФЙда "Нукус инновацион институти" МЧЖга қарашли ҳозирда қурилиши давом этаётган 4 қаватли ҳусусий институт биносининг темир-бетон конструкциялари белгиланган тартибда синовдан ўтказилди.



Мазкур синов натижалари қурилишда қўлланилаётган конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва уларнинг лойиҳа талабларига тўлиқ мувофиқлигини баҳолашга хизмат қилади.

Тошкент шаҳрида қурилаётган кўп қаватли уйнинг зилзилабардошлиги бўйича махсус синов ўтказилди.

Хусусан, Яшнобод туманидаги Амир Темур номли маҳалла ҳудудида барпо этилаётган 9 қаватли турар жой биносиди "вибродинамик" ускуна ёрдамида зилзилабардошлик синовини амалга оширилди. Жараён давомида бино конструкцияларига 8 баллиқ зилзилага тенглаштирилган тебранишлар берилиб, иншоотнинг барқарорлиги баҳоланди.

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан шаҳар ҳудудидаги ҳар бир кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида жойлашган иссиқлик пунктларининг созлиги ва ишчи ҳолати ўрганиб чиқилмоқда.

Шунингдек, хонадонлардаги иситиш батареяларининг тўлиқ ишлаши доимий назоратга олинган. Ушбу тайёргарлик ишларининг асосий мақсади – аҳолини қиш мавсумида сифатли ва узлуқсиз иссиқлик энергияси билан таъминланишини кафолатлашдан иборатдир.

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Навбахор туманида барпо этилаётган кўп қаватли уй-жой қурилиш объектларида навбатдаги ўрганиш ишлари олиб борилди.

Жараён давомида қурилишда қўлланилаётган материалларнинг сифати ҳамда уларнинг амалдаги меъёр ва стандартларга мувофиқлиги атрофича таҳлил қилинди. Мутахассислар томонидан барча қурилиш ишлари лойиҳа ҳужжатларида белгиланган талабларга тўлиқ мос бўлиши шартлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса, нафақат объектларнинг мустаҳкамлиги ва узоқ муддат хизмат қилишини, балки аҳолининг хавфсизлиги ва қулай яшаш шартларини кафолатлайди.

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ишчи гуруҳи томонидан Қосонсой туманидаги 3-сонли мактаб учун барпо этилаётган қўшимча ўқув биносидида қурилиш ишлари ўрганилди.

Назорат тадбирлари жараёнида қурилиш ишларининг сифати ҳамда қўлланилаётган материалларнинг белгиланган стандарт ва меъёрларга мувофиқлиги кўздан кечирилди. Шунингдек, қурилишнинг масъулига қурилиш жараёнларида камчиликларга йўл қўймастик, белгиланган меъёр ва талабларга қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидланди.

Сўрхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан 2025-2026 йиллар кўз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари доирасида навбатдаги ўрганиш ишлари олиб борилди.

Хусусан, Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Шўрчи туманларида ўтказилган назорат тадбирларида кўп қаватли уйларнинг тайёргарлик ҳолати ўрганилиб, бир қатор камчиликлар аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан инспекция томонидан бошқарув сервис компаниялари раҳбарларига бажарилиши мажбурий бўлган муддатли ёзма кўрсатмалар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазириликнинг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари ва унинг бажарилиши юзасидан ҳисобот йиғилиши ўтказилди. Ҳисоботда вазир ўринбосари Озода Жўраева асосий йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди.

Хусусан, йиғилишда таъкидланганидек, ҳудудларнинг бош режаси ва шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. 2025 йилги режага мувофиқ, 180 та лойиҳадан катта қисми бажарилиди. Шаҳарсозлик фаолияти бўйича 180 та норматив ҳужжат ишлаб чиқилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача катта қисми якунига етказилган. Иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. 56 та объект бўйича ишлар йил якунига қадар тугалланиши режалаштирилган. Йиғилиш якунида шунингдек, қатор лойиҳаларни молиялаштириш тартибини қўриб чиқиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

"Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" давлат муассасасида Республика архитектура ва шаҳарсозлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган бир қатор шаҳарчаларнинг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳалари кенгаш аъзолари иштирокида муҳокама қилинди.

Жараёнда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний шаҳри, Бухоро вилоятининг Ромитан шаҳри ҳамда Пешку туманидаги Маллаи Миришкор шаҳарчаси, Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳри, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри, Андижон вилояти Марҳамат туманидаги Пахтакор (Хакка) шаҳарчаси, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри ҳамда Фуркат туманидаги Навбахор шаҳарчаси, шунингдек, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Ҳамзаобод шаҳарчаси ва Оҳангарон туманидаги Енарик ҳамда Эйвалек шаҳарчалари лойиҳалари тақдим этилди.

Самарқанд вилоятида кўп қаватли уйлардаги уй-жой мулкдорлари ва бошқарув ташкилотлари ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал этишга бағишланган семинар ўтказилди.

Унда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси, вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судьялари, туманларо ва туман судлари судьялари, вилоят прокуратураси вакиллари, шунингдек, туман ва шаҳар бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари иштирок этди. Семинар давомида ушбу қўлланмада кўрсатилган меъёрий ҳужжатлар, бошқарув органларини мулкдорлар томонидан танлаш тартиби, шартномалардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, даъво аризаларининг шакллари ва судларда уларни қўриб чиқиш жараёнларига оид масалалар батафсил тушунтирилди. Якунда соҳада кузатилаётган хато ва камчиликлар, аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ечимлар муҳокама қилинди.

Тадбиркори бор юртининг, тараққиёти ҳам юксак бўлади

Ҳар йилгидек Ватанимиз мустақиллиги тантаналари арафасида Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказиб, уларнинг бир гурӯҳига давлат мукофотларини топширди.

Президентнинг тадбиркорлар билан очик мулоқот шаклидаги илк учрашуви 2021 йил 20 августда ўтказилган эди. Ўша учрашувда давлатимиз раҳбари бундай тадбирни ҳар йили ўтказиш ва 20 августни Тадбиркорлар куни деб эълон қилишни таклиф қилганди. Шундан буён учрашувлар анъанавий равишда ўтказиб келинаётгани, уларда тадбиркорларни ўйлангирётган масалалар муҳокама қилинаётгани ва улар билан маслаҳатлашган ҳолда қарорлар қабул қилинаётгани Президентимизнинг тадбиркорлик соҳасига қаратаётган алоҳида эътиборининг ёрқин ифодаси бўлиб келмоқда.

“Бугун шуни фахр билан айта оламизки, юртимизда яратилаётган ҳар бир иш ўрни, қад кўтарётган ҳар бир корхона, халқимиз оғирини енгил қилаётган ҳар бир хизмат, экспорт бўлаётган ҳар бир маҳсулот – сизнинг жасорат билан қилаётган меҳнатингиз, ташаббус ва изланишингиз маҳсулидир”, деди давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида. Бу сўзлар нафақат учрашувда иштирок этган тадбиркорларни, балки юртимизда фаолият юритаётган барча соҳа вакилларини қалбини ғурурга тўлдириб, янада катта ғайрат ва шижоат бағишлади, десак муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, Президентимиз ислохотларнинг илк кунлариданоқ тадбиркорлар билан ҳамфикр бўлиб, иқтисоди қудратли, саноати рақобатбардош, молиявий тизими барқарор, барча соҳалари инвесторлар учун жозибадор бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришилганини қайд этди. Ўтган саккиз йилда иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқлари янгидан ташкил этилди. Бу даврда 230 миллиард доллар инвестиция кириб келди, шундан 120 миллиарддан ортиғи – хорижий сармоя. Шунингдек, йиғилишда турли низо ва зиддиятлар туфайли жаҳон иқтисодиёти ғоят мураккаб даврни бошидан ўтказаётган бир вақтда прагматик ва проактив сиёсат туфайли биринчи ярим йилликда иқтисодиётимиз 7,2 фоизга ўсгани таъкидланди. Ўтган даврда минглаб икки ва кичик корхоналар қисқа муддат ичиди яратилган шароитлардан самарали фойдаланиб, катта-катта компаниялар билан рақобат қила бошлади.

Қувонарлиси, давлатимиз раҳбари бу галги учрашув улкан бунёдкорлик ишлари бошланган Янги Тошкентда таъғатланида рамзий маъно борлигини таъкидлади. “Ушбу мегалойиха ислохотларимиз ҳаётда қандай акс этаётганининг яққол исботи, янгиланиш ва тараққиёт йўлидаги дадил қадамларимизнинг ёрқин тинчоли бўлади. Сиз тадбиркорлар учун Янги Тошкент – янги имкониятлар, янги ғоялар ва янги бозорлар маъноси, инновациялар ва инвестициялар марказига айланади. Бу ердаги тўлиқ “ишиқ” технологияларга асосланган энг замонавий инфратузилма сизларнинг янги-янги ғоя ва ташаббусларингиз учун хизмат қилади. Шуни билингки, Янги Тошкент дарвозалари бизнес қиладан, деган барча тадбиркорлар учун ҳамиша очик бўлади”, – деди Президентимиз.

Анъанага қўра, бу йил ҳам кичик бизнес вакилларидан тортиб, йирик корхоналар раҳбарларигача – энг илгор ва фидойи тадбиркорлардан 49 нафари давлат мукофотлари, 112 нафари эса “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар орасида тадбиркорлиги орқали юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган қурилиш ва бунёдкорлик соҳаси вакиллари ҳам бор. Қуйида улардан баъзилари билан танишасиз.

Самарқанднинг ажойиб ишбилармони



Самарқандлик таниқли бинокор, тадбиркорлик билан ном қозongan ҳамюртларимиз Зафар Тўраев Ургут туманидаги “SXF big story building” масъулияти чекланган жамиятини қириштириш ва бунёдкорлик соҳаси вакиллари ҳам бор. Қуйида улардан баъзилари билан танишасиз.

У 1978 йилда Ургут туманида туғилган. 1995 йилда тумандаги 2-ўрта мактабни тамомлаб, меҳнат фаолиятини тадбиркорликдан бошлаган. 1999-2018 йилларда Ургутнинг хусусий тадбиркорлари сафига қўшилиб, туманни ривожлантириш ва иқтисодиётини янада кўришиш борасида жонбозлик кўрсатишга бел боғлади. 2018 йилдан янги масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, ўз иқтидорини қурувчилик соҳасида сынаб кўришга аҳд қилди. У фаолияти даврида биргича МЧЖ билан чекланиб қолмасдан, 2020 йилда Самарқанд шаҳрида фаолиятини бошлаган “Silk Road Construction Group” масъулияти чекланган жамиятига таъсисчилик қилди.

Зафар Тўраев кейинчалик ҳам шундай хайрли ишларни давом эттирди. Хусусан, 2021 йилдан Самарқанд шаҳрида “Samargand City Stroy” масъулияти чекланган жамияти ҚК ва “Brick Factor” масъулияти чекланган жамияти таъсисчисига айланди. Тадбиркорлик Зафар Тўраевнинг қонида бор, десак адашмаслик. Унинг отаси Суюн Тўраев Ургутнинг таниқли ишбилармонларидан. У бир умр хусусий тадбиркорлик билан шугулланган. Шу боис, ўғли Зафарни ҳам ўзининг сеvimли машғулотига жалб этди. Тадбиркорлигининг ҳалол меҳнати туфайли оила ҳеч нарсасга зорикмади, ўғил-қизлар фаровон турмуш кечиришди.

– Юртимизда тадбиркорликнинг кўплаб-қувватланаётгани, ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиб бораётгани мени ҳамиша самарали меҳнат қилишга, янги ташаббуслар билан чиқишга, имкониятлардан унумли фойдаланишга ундайди. Президентимизнинг ислохотларни жадаллаштириш йўлидаги жонбозлиги бизга мадад ва куч-қувват берапти. Келгусида янада юксак натижаларга эришиш йўлида ғайрат қиламиз. Янги иш ўринлари яратиш, халқимизнинг фаровонлигига ҳисса қўшиш доимий мақсадимга айланган, – деди Зафар Тўраев.

Бугун Зафар Тўраев қурилиш соҳасининг ҳақиқий фидойиси. Ургут, Самарқанд, Жиззах, Қўқон, Тошкент, Бухоро, Қарши ва бошқа шаҳарларда юзлаб иншоотлар қуришда фаоллик кўрсатиб элга танилди. Яқинда Самарқанд шаҳрида унинг бошчилигидаги фидойи бунёдкорлар меҳнати билан муҳташам автовокзал қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳар марказида барча қулайликларга эга бўладиган “Самарқанд сити”нинг қурилиши ниҳоясига етказилиш арафасида. Ундан мингдан зиёд кўп қаватли хонадонлар, ижтимоий объектлар, дам олиш масканлари ҳамда бир қатор иншоотлар ўрин эгаллаган бўлиб, ўзининг бетакрор меъморчилик кўриниши билан ажралиб туради.

Яқинда қурилишда, тадбиркорликда катта тажрибага эга бўлган, бу соҳаларда бошқаларга намуна бўлаётган Зафар Тўраев мамлакатимиз Президентининг Фармониға асосан, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Мукофот муборак, меҳнати билан эл ободлиғига муносиб ҳисса қўшаётган, ишнинг кўзини билувчи давримизнинг ажойиб ишбилармони!

Яна бир эътиборли томони шундаки, Зафар ҳожо саховатпеша, одамларга мадад қўлини чўзиш, ҳомийлик кўрсатиш борасида ҳам кўпчиликка намуна бўлиб келмоқда. Унинг раҳнамолигида ва ўз маблағи ҳисобидан юртимизнинг турли бурчакларида қатор шифохона, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари қад ростлаётганлиги бу фикримизнинг исботидир. Муҳими, Зафар Тўраевни олдинда янада катта вазифалар, ойдин режалар кутиб турибди. У ўз билим ва тажрибасидан фойдаланиб, кўплаб янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, пировардида, юртимизнинг янада-гуллаб яшнашига, иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишдек юксак масъулиятни шараф билан удалашда давом этади.

Мақсади катта тадбиркор

Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган очик мулоқотини катта қизиқиш билан тинглаган Миржамол Сафаров ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун ҳали кўп ишларни амалга оширишни кераклигини яна бир бор англади.

Унинг таъсисчилигидаги “Қашқадарё махсус монтаж-сервис” МЧЖ қисқа давр оралиғида вилоятдаги турдош ташкилотлар орасида ўзига хос ўрин тутишда ишчи-ҳодимларнинг меҳнат-севарлиги ва соҳани пухта билишлари туфайли аста-секин ривожланди. Дастлабки қурган бинолари катта ҳажмли бўлмаса-да, аммо сифати ва мустаҳкамлиги, зилзилабардошлиги билан тезда буюртмачиларнинг эътиборига тушди. Натижада тендерларда фаол қатнашиб, туман ва шаҳарлар кесими ҳамда вилоятнинг маъмурий марказида ўнлаб турли кўринишдаги иншоотлар, “Янги Ўзбекистон” массивида эса бир қатор турар жойларни сифатли қуриб битказишди.

– Айни пайтда 270 нафардан ортиқ жамоамиз Мустақиллик байрамининг 34 йиллигини муносиб кутиб олишга астойдил киришган, – деди Миржамол Сафаров. – Жумладан, 7 та кўп қаватли 540 хонадонга мўлжалланган уйлар фойдаланишга топширилиб, шундан 13 таси кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга эҳсон сифатида берилади. Шаҳардаги Пахтакор майдонида яна 2 та кўп қаватли турар жой қуриб битказилди. Бу иншоотдан ҳам 2 та уй эҳсон қилинади. Бундан ташқари, умумий қиймати 11 миллиард сўм бўлган Қарши шаҳридаги 11-сонли умумтаълим мактаби учун 900 ўринли янги бино қурилиди. Байрам арафасида камбағаллик реестрига киритилган оилаларнинг 20 нафар фарзандларига корхона томонидан суннат тўйи қилиб берилди.

Яхши меҳнат қилган, мароқли дам олишни ҳам билиши керак. Бу борада таъсисчи ишчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, жорий йил корхона ҳисобидан 26 нафар ишчи-ҳодим юртимиздаги санаторийларда дам олиб, соғлигини тиклаган бўлса, 20 нафари Россия давлатининг Кисловодск шаҳридаги масканларда ҳордик чиқариб келди. Соғлом ишчи рақобат муҳитини яратиш қаторида, иш жараёнида бошқаларга ибрат бўлишни “Қашқадарё махсус монтаж-сервис” МЧЖдаги қурувчиларнинг ижтимоий химояси мисолида кўриш мумкин.

– Меҳнатларимиз Президентимиз томонидан эътироф этилиб, юксак мукофот – “Шуҳрат” медали билан тақдирланганим учун шундай озод ва обод ватанда ашъатганимга шўкроналар айтдим. Бу мукофот зиммаимизга янада катта масъулият юклаб, фаолиятимизни кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга ундамоқда, – деди М. Сафаров.

Фидойи меҳнатнинг эътирофи



Бугун юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш йўлида талай ишлар амалга оширилляпти. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз ташаббуси, жасорати ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб турган тадбиркорлардан бири – Бухоро вилоятидаги “Когон Марс Плюс” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сайёт Қосимовдир.

Унинг бошқарувидаги корхонанинг асосий йўналиши – нефть ва газ соҳасида ишлашга-лидиган ускуналарни таъмирлаш ҳамда улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришдан иборат. Ташкилотда 54 нафар ҳодим фаолият юритади.

– “Когон Марс Плюс” корхонасига 2009 йилда асос солинган. Ўшандан буён ҳар йили иқтисодий ўсишни ривожлантиришга интилиб келаман, – деди Сайёт Қосимов. – Ҳозирда ҳаракатлар натижасини молиявий кўрсаткичларда яққол кўриш мумкин. Масалан, корхона 2023 йилда 13 млрд 271,5 млн сўмлик даромад олган бўлса, 2024 йилда бу рақам 17 млрд 758,4 млн сўмга етди. Бу кўрсаткич шунчаки рақамлар эмас, аксинча, орттирган тажрибам, яқинларимнинг кўплаб-қувватлаши ҳамда жамоамнинг меҳнатини ўзида жамлайди. Узоқ йиллик тадбиркорлик фаолиятим ва соҳа орттидан жамиятга фойдам тегаетгани инобатга олиниб, Президентимиз томонидан фидойи тадбиркорлар қаторида мен ҳам “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Бу юксак эътибор менинг масъулиятимни ошириш билан бирга янада кўпроқ ишлашим ва даромадни орттиришим кераклигини англайди.

Тадбиркорнинг келгуси режаларида ўзи айтганидек юқори фойда, шунингдек, бўш иш ўрни яратиш мақсади бор. У 2,2 гектар майдонда 2900 квадрат метрни ташкил этадиган маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларини барпо этишни кўзлагпти. Шу билан бирга, 50 млрд сўмлик лойиҳани амалга ошириш ҳамда яна 120 нафар фуқарони иш билан таъминлашни кўзлаган. Бу савий-ҳаракатлар нафақат туман, балки бутун вилоят иқтисодий қиёфасини ўзгартириши табиий.

“Дориломон кўнларга етказганига шўкрона айтамиз”



Давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимиз ҳеч қандай андозаларсиз ва ҳар томонлама ривожланган Янги Ўзбекистонни қуришга жиддий киришганига унча кўп бўлгани йўқ. Қисқа даврда амалга оширилган ишлар эса асрларга татийди. Халқимиз “Тадбиркор – тараққиёт танчиги” деб бежизга айтмайди. Туман ва шаҳарлар қиёфаси Янги Ўзбекистонга мос равишда шаклланишида тадбиркорлик субъектларининг қўшаётган ҳиссасини алоҳида эътироф этиш керак.

– Ҳукуматимизнинг соҳага йўналтирилган қонунлари ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорлари туфайли ишларимиз унумли бўлиб бормоқда, – деди Незматжон Атажонов. – 2014 йил Тўрткўл туманида “Реал-монтаж” МЧЖни ташкил қилиб, 10 нафар киши билан иш бошлагандик. Дастлаб буюртмачилар талабига қўра, туман ҳудудидаги объектларни қурдик. Ҳар қандай иш сифатга қараб баҳоланади. Орадан кўп ўтмасдан, Оролбўйи минтақасидаги туманлардан ҳам буюртмачилар йўқлаб келадиган бўлди. Шу тариха фаолиятимиз кенгайди.

Ўтган даврда корхона жамоаси томонидан Қораўзақ, Беруний, Тахиятош, Амударё ва Тўрткўл ҳамда Нукус шаҳрида 40 дан ортиқ кўп қаватли турар жойлар, шифохоналар, мактаб ва маъмурий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасига 4 қаватли янги бино, унга тушмайдиган ёшлар учун катта ҳажмли спорт зали, Тўрткўл туманида тиббиёт бирлашмаси ва шу ҳудуддаги “Улибоб” овул фуқаролар йиғинидан ўтувчи канал атрофида 2 километрдан ортиқ пиедалар йўлагини қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган эди. Айни пайтда бу объектларда ҳам ишлар тўлиқ бажарилиб, ён-атроф ободонлаштирилмоқда.

– Юртимизда инсон омили устуворлиги ва халқимизнинг фаровон яшаши учун амалга оширилётган бунёдкорлик ишларини Оролбўйи минтақаси мисолида ҳам кўриш мумкин, – деди Незматжон Атажонов. – Асрларга татувчи мана шундай янгиланишларни қўриб, дориломон кўнларга етказганига шўкроналар айтамиз. Яқинда мен ҳам Президентимизнинг фармойишига биноан, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганим бу фикрнинг исботидир. Бу мукофот нафақат мени, балки жамоамизнинг ҳар бир аъзосини руҳлантириб, кучимизга-куч қўшиди.

Тараққиётимиз пойдеворини яратаётганлар

Юртимизда тадбиркорликка қаратилган эътибор ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг самараси ўлароқ, ҳозирги кунда туманларимизда юзлаб янги корхоналар, минглаб иш ўринлари яратилмоқда. Бугун мамлакат тараққиётида меҳнати ва ташаббуси билан муносиб ўрин эгаллаётган тадбиркорларнинг юртимиз ҳаётидаги ўрни тобора юксалмоқда.



Шундай юксак эътибор ва эътирофга сазовор тадбиркорлардан бири – Улугбек Ибайдуллаевдир. У бугунги кундаги эзгу ишлари ва фидойилиги учун Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 34 йиллиги байрами арафасида “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу эътироф нафақат шахсий меҳнатга, балки бутун жамоа савий-ҳаракатлари берилган юқори баҳодир.

У раҳбарлик қилиб келаётган “Citi-stroy AAA” масъулияти чекланган жамияти 2021 йилда фаолият бошлаганига қарамай, қисқа вақт ичида кўплаб юксак натижаларга эришди. Бугунги кунга қадар барпо этилган кўп қаватли уйлар орқали уч минг нафардан ортиқ юртдошларимиз ўзлари орау қилган турар жойига эга бўлди. Ҳар бир қурилган уйнинг сифати, ўзига хос дизайни ва замонавий қиёфаси бу жамоа ишининг юксак даражада ташкил этилганидан дарақ беради. Бугунги кунда корхонада 250 нафар ишчи самарали меҳнат билан шугулланиб, уларнинг ҳар бири тараққиётига, балки аҳоли учун янги иш ўринлари яратилишига ҳам ҳисса қўшмоқда. Айни пайтда эса Андижон туманида 8 қаватдан иборат замонавий уй қурилиши жараёни қизгин давом этмоқда.

– Биз қурган уйларда истиқомат қилаётган замондошларимизнинг миннатдорона фикрларини тинглаганимда, касбим орқали кўпчиликка манфаатим тегаетганидан қувонаман, – деди Улугбек Ибайдуллаев. – Уларнинг қувончи келгуси фаолиятимдаги ютуқларга асос бўлади. “Фаол тадбиркор” сифатида эътироф этилишим эса ҳукуматимизнинг менга билдирилган ишончини фидойилик билан оқлашга ундайди. Мустақиллик байрамининг ани шундай фаол, ташаббускор тадбиркорлар билан қарши олиш ҳар биримиз учун қувонч ва ифтихордир. Чунки бундай юртпарвар инсонлар Ватанимизнинг тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз келажиги йўлида муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ютуқлар омили ҳамжиҳатликда

“Янги Ўзбекистоннинг йўллари равон ва бехатар бўлиши керак”, – деган шиор остида Аҳроржон Холмўминов раҳбарлигида Денов туманида фаолият бошлаган “Inter Prof City Stroy” МЧЖ жамоаси шу кунга қадар нафақат ён-атрофда, балки вилоят ҳудудларидан ўтувчи халқаро аҳамиятдаги ва ички йўллари реконструкция қилиш, тўла таъмирлаш, янгиларини қуриш орқали транспорт ҳаракатини равлонлаштириб, пиедалар учун махсус йўлакчалар барпо этиш

ишларини амалга ошириб келмоқда. Йиллар давомида таъмирталаб бўлган йўللарни тузатиб, фуқароларнинг мушқулини осон қилган жамоа ишчилари кўприксозлиқда ҳам катта тажриба тўплаган.

Вилоят ҳудудлари ва маҳаллаларни бир-бирига боғлаб турган кўприкларнинг аксарияти ҳозирги талабга тўла жавоб бермагани корхона раҳбари Аҳроржон Холмўминовни беэътибор қолдирмади. Шу боис, мута-садилар билан учрашиб, кўприк-созлиқ бўйича



ўзи тайёрлаган бир нечта лойиҳаларни тақдим этди. Ҳозирга қадар корхона жамоаси томонидан жами 32 та кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ҳозирги кунда ҳам жамоа иш фаолиятини шиддат билан давом эттирмоқда.

Корхона аҳоли йўл ва кўприксозлиқни жадал ривожлантириш, янги лойиҳалар устида иш олиб бориш баробарида, маҳаллий хомашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Мисол учун, бетон, турли хил йўл тўсиқлари, шебен, қум ва шагални қайта ишлаш каби маҳсулотлар шулар жумласидандир. Бу эса таннаҳрни бир неча баравар қисқартириб, соф даромад манбаини кенгайтиришга имкон бермоқда. Айни пайтда зарур маҳсулотларнинг барчасини шу жойнинг ўзида бажариш бўйича янги завод қуриш лойиҳаси тайёрланган. Жорий йил охиригача завод ишга тушса, қўшимча 40 нафар янги иш ўрни яратилади.

Қисқа даврда бу сингари ҳаракатларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Аҳроржон Холмўминов нафақат яхши мутахассис, балки аҳдида қатий, сурхондарёликларга хос бир ишни бошладими, охирига етказмай қўймайдиганлардан бўлгани учун ҳам ана шундай натижаларни қўлга киритмоқда. Аҳли жамоанинг ҳамжиҳатлиги эса корхонани республика миқёсида танитиб, унинг раҳбарини юксак мукофот билан тақдирлаш даражасига олиб чиқди.

Давлатимиз раҳбарининг фармойишига биноан, бугун Аҳроржоннинг қўксини “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони беэза тургани нафақат унинг, балки жамоанинг меҳнатларига берилган муносиб баҳо бўлди.

Аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшаётган бунёдкор



Сурхондарё вилоятидаги туман ва шаҳарлар инфратузилмасини қайта қўриб чиқиш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ҳукумат қарорига биноан, кейинги йилларда замонавий лойиҳалар асосида кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа иншоотлар босқима-босқич қад ростлаётгани ҳудудлар қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартирмоқда. “Бунёдкорлик билан шугулланиб, уй-жойга муҳтож кишиларнинг муаммосини хал қилишга ўз ҳиссасини қўшай”, ден ният қилган тадбиркорлардан бири “Memor Inter stroy” МЧЖ раҳбари Шерзод Аноровдир. Дастлабки фаолиятини кичик объектларни қуришдан бошлаган жамоани бугунги кунда республикамизнинг кўплаб туманларидаги буюртмачилар яхши билишади. Чунки мана шу корхона ишчи-ҳодимларининг беминнат меҳнатлари ҳисобига Қашқадарё, Сирдарё, Бухоро, Наманган ва Тошкент вилояти ҳудудларида тендерда ютиб олинган бир нечта кўп қаватли турар жойлар ҳамда бошқа иншоотлар қуриб берилиб.

Бунёдкорлик соҳасида катта тажриба тўплаган тадбиркор маҳаллий хомашёдан объектлар учун зарур бўлган материаллар ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бунинг учун хориждан замонавий технологияларни олиб келиб, корхонаси таркибида қўшимча цехларни ишга туширди. Айни пайтда вилоятдаги 10 дан ортиқ турдош корхоналар билан тузилган шартнома бўйича 6 турдаги қурилиш материаллари узлик-сиз равишда етказиб берилмоқда.

– Меҳнатларимиз давлат раҳбари томонидан эътироф этилиб, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирландим, – деди Шерзод Аноров. – Амалга оширган ишларимиз туфайли одамларга наф келтириб, инфратузилмани яхшилашга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз. Бу эътироф эса, бир жойга туриб қолмасдан тинимсиз изланишлар қилишга чорламोқда.

◀ 1-бет

Боёвутдаги бугунги Бунёдкорликлар



2025 йилда Боёвут туманида "Янги Ўзбекистон" массиви барпо этилиши белгиланган бўлиб, айти пайтда ташаббускор тadbиркорлар томонидан банк кредит маблағларини жалб қилган ҳолда "Янги авлод" МФИда 12 та 9 қаватли 864 хонадонли уйлар қурилиши амалга оширилляпти. Ҳозирга қадар уйлarning 4 таси "Тулистон капитал стандарт" МЧЖ, "Тулистон мадад қурилиш" МЧЖ, "Фрегат-С" МЧЖ томонидан сифатли тарзда бунёд этилиб, ўз эгаларига топширилди. Айти пайтда қолган 8 та қўп қаватли турар жой биноси қурилиши ҳам жадаллик билан давом этмокда. Қолаверса, уй-жойлар қурилишида буюртмачи ташкилот "Қўп квартиралар уйлари капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари

рини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК ҳамда бош пудратчи "Темурбек строй" МЧЖ томонидан иссиқлик таъминоти тармоқларини тортиш ишлари ҳам бажариляпти. Ҳозирда юртимизнинг барча таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик авжида. Шу жумладан, Боёвут туманида ҳам ижтимоий соҳа объектлари қурилишига алоҳида аҳамият қаратилмокда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги "2024 - 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича "Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси" ДМ буюртмачилигида "Янги ав-

лод" МФИда янги мактаб биноси қурилиши белгиланган эди. Ушбу объект лойиҳачиси "000 House Grand" МЧЖ, бош пудратчиси эса "Обид-Озода" МЧЖ. Ҳозирда режага мувофиқ бинода ички ва ташқи пардозлаш, коммуникация, ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Мактаб биноси жорий йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, "Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси" ДМ буюртмачилиги асосида (лойиҳа ташкилоти "000 House Grand" МЧЖ, бош пудратчи "Kapital- Stroy-Elegant" МЧЖ) янги мактабгача таълим ташкилоти ҳам барпо этилмокда. Айти пайтда коммуникация ва ободонлаштириш ишлари бажариляётган бино ҳам

жорий йилда фойдаланишга топширилиши белгиланган. Булардан ташқари, юқоридаги дастурлар асосида туманининг бошқа маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам таълим муассасаларини барпо этиш ишларига масъулият билан қаралмокда. Хусусан, Алишер Навоий номили МФИдаги 6-сонли ҳамда "Тулбоғ" МФИдаги 8-сонли МТТ бинолари ҳам реконструкция қилинмокда.

Бир сўз билан айтганда, Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида янада кўркам қиёфага кираётган Боёвут туманидаги бу ўзгаришлар аҳоли кайфиятига ҳам кўтаринкилик бағишламोकда. Улар ҳам яратилаётган имкониятлардан, амалга оширилаётган бунёдкорликлардан қувониб, бугунги кунига шукрона айтмокда.

Бухоро тумани кўчалари: 24/7

Зулфизар МАВЛОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бухоро – Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ва иқтисодий марказларидан бири сифатида ҳар доим эътибор марказида бўлиб келган. Бу ерда минг йиллик анъаналар билан замонавий тараққиётни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Энди эса Бухоро туманида кичик ва ўрта бизнес, хизмат кўрсатиш ҳамда туризм соҳасини янада кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича янги, катта аҳамиятга эга ташаббуслар амалга оширилмокда.

2024 йилнинг 12 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПҚ-287-сонли қарор бу соҳадаги муҳим босқич ҳисобланади. Унга мувофиқ, Бухоро туманида 24 соат фаолият юритувчи 3 та кўча ташкил этилади. Бу кўчалар замонавий инфратузилмага эга бўлиб, маҳаллий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, сайёҳлар учун қулайликлар яратиш ва иқтисодий муҳитни жадаллаштиришга хизмат қилади. Ташкилий ишларда хусусан, электрлаштиришда "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти, йўл инфратузилмасини яхшилашда "Элшод қурилиш сервис" МЧЖ, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида "Қурилиш пардоз хизмати" масъулияти чекланган жамиятининг ҳиссаси катта.



Ҳар бир ташаббус ўзида катта имкониятларни мужассамлаштиради. Махсус туну кун фаолият кўрсатадиган савдо, кўнгилочар, гастрономик ва туризм кўчалари маҳаллий аҳоли ва меҳмонларга қулайликлар яратибгина қолмай, янги иш ўринларини ҳам тақдим этади. Бу эса ўз навбатида, аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва иқтисодий

фаолликни қучайтиришда муҳим омил бўлади. Шунингдек, ҳудуддаги бешта зона учун махсус мастер-режалар ишлаб чиқилади. Ушбу режалар асосида шаҳарсозлик, меъморий қиёфа ва ҳудудларнинг умумий дизайни тўдан янгиланади. Бу эса, Бухоро тумани кўринишига нафақат замонавийлик, балки миллий ўзлигини ҳам уйғунлаштириш имконини беради.

Бундан ташқари, Бухоро туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинида "Соҳил бўйи дам олиш маскани" ҳам ташкил қилинмокда. Бунда 15 та тadbиркорлик субъекти томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари йўлга қўйилиши кутилмокда. Лойиҳанинг умумий қиймати 14,6 миллиард сўм, шундан, бюджет маблағлари 4,1 миллиард сўмни ташкил қилади. Лойиҳа ишлари якунига етгач, 88 та янги иш ўрни яратилади.

Янги йўналишлар ва қулайликлар орқали аҳоли фаровонлиги таъминланади, иқтисодий имкониятлар кенгайди ва Бухоро тарихи билан замонавийликнинг уйғунлиги янада мустаҳкамланади. Яқин келажақда Бухоро тумани ўзининг замонавий кўчалари, кенгайган тadbиркорлик имкониятлари ва ривожланган туризм салоҳияти билан нафақат мамлакатда, балки минтақада ҳам ўзига хос ва рақобатбардош ҳудудга айланади. Бу жараёнларга ҳар бир фуқаро, ҳар бир тadbиркор ўз ҳиссасини қўшиши керак, чунки ривожланиш – бу ҳам-жамиятнинг бирдамлиги ва мақсадга интилишида намоён бўлади.



ИЧИМЛИК СУВИ БЕБАҲО НЕЪМАТ

Шерзод АБДУМАЛИКОВ, Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Ичимлик сувининг сифати бугунги кунда бутун дунёдаги долзарб масалалардан биридир. Сув табиий манбаларда ҳам, марказий сув таъминоти қувурларида ҳам бир хил даражада шаффофдир. Аммо бу, унинг таркибида зарarli моддалар ёки зарarli микроорганизмлар йўқ дегани эмас.



Ҳозирги кунда энг қулай сув манбаи марказлаштирилган ичимлик сув таъминоти тизими ҳисобланади. Ёқимсиз ҳидли ёки "ғалати таъмили" сув жўмрақлари кўпчилиқка таниш ҳолат. Бунинг сабаби, сув кўпинча сиртки манбалардан йиғилади, қум каби механик аралашмалардан тозаланади ва хлор билан дезинфекцияланади. Ер ости, артезиан манбаларидан олинган сувни ҳам тозалаш керак. Чунки қувурлар аста-секин ичкаридан занг билан қопланади, бу ҳолат қувурлар ичида чўкинди ҳосил қила бошлайди ва микрофлора ривожланадиган органик аралашмаларнинг тўпланишига олиб келади.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан аҳолига етказиб бериляётган ичимлик сувининг сифати, стандартлар ва ўрнатилган талабларга жавоб бериши юзасидан доимий назорат ўрнатиш мақсадида 2024 йил Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Қўшма Қарори имзоланган бўлиб, қарор билан ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан аҳолига етказиб бериляётган ичимлик сувининг сифати, стандартлар ва ўрнатилган талабларга жавоб бериши юзасидан мониторинг ўтказиш тартиби тасдиқланган.

Мазкур Қўшма қарор талабларига асосан, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан ҳамкорликда 2024 йилда ичимлик суви сифати таҳлили бўйича 1788 та намуна олиниб, таҳлили қилинган. Таҳлил натижалари бўйича 7 та ҳолатда сувнинг стандарт талабларга мос келмаслиги аниқланган. Шунингдек, 2025-йилнинг ўтган даврда ичимлик суви сифати таҳлили бўйича 118 та намуналар олиниб таҳлили қилинган. Таҳлил натижалари бўйича 3 та ҳолатда сувнинг стандарт талабларга мос келмаслиги аниқланган ва ушбу камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслик юзасидан "Тошкент шаҳар сув таъминоти" АЖга кўрсатма хатлар киритилган.

Сир эмас, сув муаммоси минтақамиз ва мамлакатимиз учун ҳам ўта долзарб. Зеро, сув – стратегик ресурс бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, ҳаёт кечириш ва инсоний тараққиётининг асосий манбаидир. Инсон фаолияти натижасида ҳозирда дарёларнинг сувлари ва ички сув хавзалари ифлосланиб бормокда. Бундай сувлар нафақат истеъмол учун, балки маиший хизмат, турмуш ва саноат эҳтиёжлари учун ҳам яроқсиз бўлиб қоляпти. Сув табиий бойлик сифатида Ўзбекистон Республикаси қонунари ҳимоясига олинган. Ундан оқилона фойдаланмаслик, исроф қилиш, ифлослантириш, ноқонуний йўللар билан сув ресурсларидан фойдаланиш ва бошқа ҳолатларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг қатор бандларини қўллаган ҳолда жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сув тўплатиш иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, шунингдек, сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузиш, сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегрда ер ости сувларни ифлосланишининг ёки сифати ёмонлашинининг манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги иншоотларини ва бошқа объектларни жойлаштириш базавий ҳисоблаш микдорининг беш бараваридан ўн бараваригача фиклиги устидан давлат назоратини амалга оширади.

ПРИГЛАШЕНИЕ
К УЧАСТИЮ
В ТОРГАХ

Дата	26 август 2025 г.
Номер кредита и название проекта:	4207-UZB(COL): Проект “Управление водными ресурсами в бассейне Аральского моря с учетом адаптации к изменениям климата”
Номер и название контракта:	CAWRMP-CS-04 – Проведение курсов по повышению квалификации для учебных заведений
Крайний срок подачи ценового предложения:	15 сентября 2025 г., 15.00 по ташкентскому времени

1. Республика Узбекистан получила кредит от Азиатского банка развития (АБР) на покрытие расходов по проекту “**Управление водными ресурсами в бассейне Аральского моря с учётом адаптации к изменениям климата**” и намерена использовать часть средств этого кредита для платежей по вышеуказанному контракту. Процесс тендерных торгов будет регулироваться правилами и процедурами АБР о допуске к участию в тендерных торгах.

2. Центр по реализации зарубежных инвестиционных проектов в водном хозяйстве при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан (далее – “Заказчик”) приглашает соответствующих поставщиков услуг подавать заявки на закупку услуг по проведению курсов повышения квалификации для учебных заведений (далее – “Услуги”) в рамках проекта.

3. Цель консалтинговых услуг – повысить способность водохозяйственных организаций эффективно и продуктивно управлять водными ресурсами в соответствии с их полномочиями, а также обеспечить устойчивость к будущим изменениям климата.

4. Подробная информация о критериях правомочности и квалификации полностью описана в документе ЗЦП. В тендерных торгах должны участвовать только правомочные поставщики с требуемой квалификацией. Чтобы получить документ ЗЦП, поставщики, отвечающие требованиям, должны отправить запрос по электронной почте на вышеуказанный адрес, предоставив доказательства наличия достаточных производственных мощностей/возможностей по поставке/наличия готовых запасов. Документ ЗЦП может быть запрошен до 15.00 по стандартному времени 14 сентября 2025 года, после этого запрос не принимается.

5. Бюджет пакета: 277 000 долларов США.

6. Чтобы получить дополнительную информацию и проверить документ ЗЦП, по-



ставщики должны связаться (в рабочее время с 09.00 до 18.00 по ташкентскому стандартному времени, кроме субботы, воскресенья и праздничных дней):

Центр по реализации зарубежных инвестиционных проектов в водном хозяйстве (Центр) при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан.

Группа реализации проекта
Проект “Управление водными ресурсами в бассейне Аральского моря с учетом адаптации к изменениям климата”

Кому: Г-ну Севару Астанову, в.р.и.о. директора
Адрес: улица Лабазак, 1-“А”
Этаж: второй этаж
Район: Шайхонтохурский
Город: Ташкент
Индекс: 100128
Страна: Республика Узбекистан
Телефон: +998 91 234-03-03,
+998 95 035-03-02
Э-почта: sawtmp@mail.ru

7. Ценовые предложения должны быть представлены по указанному ниже адресу не позднее 15.00 по ташкентскому стандартному времени 15 сентября 2025 года. Все ценовые предложения должны сопровождаться документацией, указанной в документе ЗЦП. Опоздавшие ценовые предложения будут отклонены.

Адрес для подачи ценового предложения в печатном виде:

Центр по реализации зарубежных инвестиционных проектов в водном хозяйстве (Центр) при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан

Группа реализации проекта
Проект “Управление водными ресурсами в бассейне Аральского моря с учетом адаптации к изменениям климата”

Кому: Г-ну Севару Астанову, в.р.и.о. директора
Адрес: улица Лабазак, 1-“А”
Этаж: Второй этаж
Район: Шайхонтохурский
Город: Ташкент
Индекс: 100128
Страна: Республика Узбекистан
Телефон: +998 91 234-03-03,
+998 95 035-03-02

8. Покупатель не несет ответственности за любые затраты или расходы, понесенные Поставщиками в связи с подготовкой и доставкой ценовых предложений.

9. Покупатель оставляет за собой право принять или отклонить любое, или все предложение без объяснения причин.

ЗАПРОС НА ВЫРАЖЕНИЕ
ЗАИНТЕРЕСОВАННОСТИ

Консалтинговые услуги – отбор на основе квалификации консультантов (CQS).
Название задания: Консультанты по дистанционному зондированию и управлению водными ресурсами в сельском хозяйстве.
Страна: Республика Узбекистан.
Исполнительное агентство: Центр по реализации зарубежных инвестиционных проектов в водном хозяйстве при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан.
Источник финансирования: Азиатский банк развития (АБР).

1. Общий обзор

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан № 381 от 27 сентября 2022 года Центр по реализации зарубежных инвестиционных проектов в водном хозяйстве при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан (далее – Центр) осуществляет проект “Управление водными ресурсами в бассейне Аральского моря с учетом адаптации к изменениям климата” при финансовой поддержке Азиатского банка развития (АБР).

Проект предусматривает модернизацию ирригационной инфраструктуры и управления в четырех ирригационных районах Узбекистана. Хотя основные инвестиции направлены на модернизацию инфраструктуры каналов, экономический успех проекта зависит от повышения квалификации организаций и фермеров, ответственных за ирригацию и управление водными ресурсами, что позволит обеспечить адаптивное управление в условиях изменения климата.

Финансирование АБР будет частично использовано для привлечения квалифицированной консалтинговой компании, обладающей опытом в области дистанционного зондирования потребления и производительности воды, для осуществления мероприятия За-4: Дистанционное зондирование распределения и производительности воды.

2. Цель задания

Цель состоит в том, чтобы с помощью дистанционного зондирования регулярно обновлять пространственную информацию о потреблении воды и производительности с целью:

- оценки эффективности ирригационных районов;
- оценки соблюдения целевых показателей распределения водных ресурсов;
- информирования об обновлениях планов распределения водных ресурсов.

Задание будет охватывать базовый год (без проекта) и три последовательных года реализации проекта (2025 (частично), 2026, 2027, 2028). Мероприятия будут запланированы таким образом, чтобы результаты появлялись вскоре после вегетационного периода каждого года. Проект также будет способствовать наращиванию потенциала местных консультантов и заинтересованных сторон для самостоятельного проведения этих мероприятий после окончания срока действия контракта.

3. Объем услуг

Консалтинговая компания будет:

1. Получать и обрабатывать спутниковые изображения и другие соответствующие данные дистанционного зондирования.
2. Рассчитывать потребление воды и производительность на уровне ирригационных районов и подрайонов.
3. Анализировать результаты по сравнению с базовыми показателями и годовыми целями.
4. Предоставлять рекомендации по адаптивному распределению водных ресурсов.

5. Проводить семинары по наращиванию потенциала для местного технического персонала.

6. Подготавливать и представлять периодические и итоговые аналитические отчеты. Международный руководитель группы будет осуществлять общее руководство, обеспечивать координацию между отдельными экспертами и управлять конечными результатами.

4. Требуемые квалификации фирмы

Компания должна продемонстрировать:

1. Минимум 5 лет опыта в области управления водными ресурсами и дистанционного зондирования потребления и производительности воды.
2. Успешное выполнение как минимум двух контрактов за последние 5 лет, связанных с дистанционным зондированием потребления/продуктивности воды и/или технологиями водосбережения.
3. Опыт работы в Центральной Азии и странах СНГ по аналогичным заданиям.
4. Подтвержденный технический потенциал и квалифицированные ключевые эксперты в области дистанционного зондирования, ГИС, сельского хозяйства и водных ресурсов.

5. Метод отбора

Отбор будет проводиться в соответствии с методом отбора консультантов по квалификации (CQS) в соответствии с Правилами закупок АБР для заемщиков (2017 г., с поправками, вносимыми время от времени). Только компания, получившая наивысший рейтинг по квалификации, будет приглашена к представлению комбинированного технического и финансового предложения и к переговорам по контракту.

6. Подача заявки о заинтересованности
Заинтересованные компании должны подать свои заявки онлайн через систему управления консультантами АБР (CMS) по адресу: <https://cms.adb.org>

Перед подачей заявки компании должны быть зарегистрированы в CMS. Заявка должна содержать:

- профиль и историю компании;
- описание аналогичных проектов;
- краткое описание соответствующего опыта в реализации проектов;
- резюме ключевых экспертов, предлагаемых для работы над проектом.

7. Контактная информация

Вниманию: г-на Э. Шерматова – руководителя проекта.

Исполнительное агентство: Проект “Управление водными ресурсами в бассейне Аральского моря с учетом адаптации к изменениям климата”.

Адрес: ул. А. Лабазк, 1, Ташкент, Республика Узбекистан.

Тел.: +998 91 234-03-03.

Электронная почта: sawtmp@mail.ru



ЎТМОИЙ-ЎТСОДИЙ ГАЗЕТА
O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Эмүрдов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусакхх	Марҳамат Муслимонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наширёт ўйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШИРЁТ ЎЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
ушмаси, “ЎзТАШКЎЛТИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ
МУҲБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 841.
1805 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
кеглан қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Ҳўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

Ўза якуни – 22.25.
Тошпирилди – 23.00.

123456

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил август ойининг 26–28 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Хўжалик ишлари бўлими бош мутахассиси **Абдувоҳид Ҳамзаев**,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ички назорат бўлими бошлиғи **Шерзод Лутфуллаев**, Молия-иқтисод бўлими бош мутахассиси **Шухрат Салимов**,

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Исмоил Искандаров**, хайдовчи **Иzzатилла Йўлдашев**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Стандартлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Дилшода Эркинова**, Илмий-тадқиқотлар ва инновациялар бўлими бош мутахассиси **Хумоюн Муродов**,

“Таширгогор” АЖ сектор раҳбари (ГАП) **Артак Саакян**, гуруҳ раҳбари **Наталья Щипанова**,

“Коммунал лойиха илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси бўлим бошлиғи **Алимжон Содиқов**,

“Qishloqqurilishloyiha” ДМ Геотехник изланишлар бошқармаси бошлиғи **Илҳом Усмонходжаев**,

“Ўзгирсаноатлойиха” АЖ ОИСК хайдовчиси **Абдурашид Абдурахимов**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 6-устахонаси архитектори **Азизбек Ҳасанов**, Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси хайдовчиси **Мирвоҳид Раҳимбабаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Аманғали Акназаров**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош бухгалтери **Шавкатжон Сотволдиев**, Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бош мутахассиси **Мансур Қодиров**, Хонобод шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Мансур Алимжанов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлими етакчи мутахассиси **Расул Рўзиев**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бош мутахассиси **Ксения Карасева**, Муборак тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Баҳром Шуқуров**, Китоб тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Санжар Ашуров**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Эргашбой Ҳайдаров**, Хўжалик бўлими мудир **Саидмонихон Набиев**,

Фарғона вилояти Қўқон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари – бош архитектор **Ботиржон Азимов**, архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўйича бош мутахассис **Хайрулло Комилов**, Бувайда тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Абдурасул Юсупов**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги “Turon komservice” МЧЖ БСК раҳбари **Ринат Ғизатуллин**, Сергели туманидаги “Бунёдкор” МЧЖ БСК раҳбари **Акмал Ҳакимов**, Яқкасарой туманидаги “Fortuna House” МЧЖ БСК раҳбари **Дониёр Юлдашев**, Бухоро шаҳридаги “Sohibqiron elite stroy” МЧЖ БСК раҳбари **Руслан Худойбердиев**, Зангиота туманидаги “Саодат ривожланиш” МЧЖ БСК раҳбари **Мунира Юсуфаҳмедова**,

Тошкент шаҳар Яқкасарой туманидаги “Progress-service-kommunal” уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Андрей Александров**ларни таваллуд кун **и билан чин дилдан муборакбод этамиз.**

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИНИ
ижтимоий тармоқларда ҳам кузатиб boring!

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

@uzbunyodkor